XALQ DEPUTATLARI TOMDI TUMAN KENGASHINING
Q A R O R I

2021 - yil 30 - dekabr VI-32-81-5-75-K/21 Tomdi tumani hokimligi

Томди туманининг 2022 йилги маҳаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг Бюджет Кодекси 27, 99-моддалари, Маҳаллий давлат ҳокимиятитўғрисида”ги Қонунининг 6, 24-моддаларига асосан халқ депутатлари туман Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 5 ноябрдаги “2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги 727-сонли Қонуни маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикасининг “2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни (кейинги ўринларда - Қонун деб аталади)га асосан 2022 йилда:

а) Қуйидаги солиқ турлари ва бошқа мажбурий тўловлар туман бюджети ўртасида тақсимланади:

Қонунга мувофиқ туман маҳаллий бюджетига ажратма қилинган 63 фоиз миқдордаги жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғидан тушумларнинг (жисмоний шахсларнинг мол-мулкини ижарага беришдан оладиган йиллик даромадлари бўйича декларацияга асосан тўланадиган ҳамда якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан тўланадиган даромад солиғидан ташқари)ҳамда фойда солиғидан тушумларнинг (Ўзбекистон

Республикаси Президенти қарори билан тасдиқланадиган рўйхатга мувофиқ йирик солиқ тўловчилар, Ўзбекистон Республикасидадоимий фаолият олиб борувчи муассаса орқали фаолият юритувчи Ўзбекистон Республикаси норезидентлари томонидан, шунингдек норезидентларнинг тўлов манбаида ушлаб қолинадиган даромадларидан тўланадиган фойда солиғидан ташқари) туман ва шаҳарлар ўртасида тақсимланиши маълумот учун қабул қилинсин.

б) Туманнинг туман бюджетига қуйидаги солиқ турлари ва бошқа мажбурий тўловлар тўлиғича ўтказилади:

юридик шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи;

юридик шахслардан олинадиган ер солиғи;

электр станциялари томонидан тўланадиган сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ;

якуний истеъмолчиларга бензин, дизель ёқилғиси ва газ реализация қилишдаги акциз солиғи;

қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорларда давлат божлари (патент божи ва лицензия берганлик учун давлат божларидан ташқари);

қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорларда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ундириладиган жарималар;

айрим турдаги товарларнинг чакана савдосига доир ҳуқуқ учун йиғимлар;

қонунчиликда белгиланган миқдорларда Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига ундириладиган бошқа йиғимлар (божхона органлари томонидан ундириладиган йиғимлардан ва ғилдиракли транспорт воситалари,ўзиюрармашиналар ва уларнинг тиркамалари учун ундириладиган утилизация йиғимидан ташқари;

автотранспорт воситаларини сотиб олганлик учун уларни ички ишлар органларида рўйхатдан ўтказиш чоғида автотранспорт эгалари (фойдаланувчилари) томонидан тўланадиган йиғимлар;

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулк, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг активлари бўйича ажратмалар ва дивидендлар;

қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорларда давлат активларини ижарага бериш ва хусусийлаштиришдан тушадиган даромадлар.

в) Мобиль алоқа хизмати ва алкоголь маҳсулотлари, шу жумладан пиво учун акциз солиғидан тушумлар тегишли равишда 2022 йил 1 июль ҳолатига кўра туман аҳолисидаги улушига мувофиқ ўтказиб берилади.

г) Қуйидаги солиқ турлари туман бюджетига тўлиқлигича ўтказиб берилади:

жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи;

жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи;

жисмоний шахсларнинг мол-мулкини ижарага беришдан оладиган йиллик даромадлари бўйича декларацияга асосан тўланадиган ҳамда якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан тўланадиган даромад солиғи;

сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, бундан электр станциялари томонидан тўланадиган солиқ мустасно;

қурилиш материаллари бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ, бундан цемент хом ашёси ва цемент ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган оҳактош мустасно;

3. Томди туманининг 2022 йилги туман бюджети даромадлари прогнозлари 1-иловага мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин.

4. Туманнинг туман бюджетидан 2022 йилги ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган харажатларнинг умумий чекланган миқдорлари 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Туман бюджетига умумдавлат солиқларидан ажратмалар меъёрлари 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин. Бунда, ажратма меъёрлари бўйича туман маҳаллий бюджетининг тақсимотини ўрнатилган тартибда туман Ғазначилик бўлинмаси томонидан амалга оширилиши белгилаб қўйилсин.

6. 2022 йил учун туман бюджет даромадлари ва харажатлари прогнозлари 4-иловага мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин.

7. Вилоят бюджетидан туман маҳаллий бюджетларига ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорлари 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Бунда, тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорини туман ва шаҳарлар маҳаллий бюджетлари даромадлари прогнози ижросидан қатъий назар камайтиришга йўл қўйилмаслиги Қонунда белгилаб қўйилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

8. Туман бюджетининг захира жамғармалари маблағларини бюджет тизими бюджетлари шакллантирилаётганда олдиндан назарда тутиб бўлмайдиган харажатларни, шунингдек ижтимоий-иқтисодий беқарорлик юзага келган вазиятларда амалга оширилиши зарур бўлган тадбирларни молиялаштириш учун ажратилиши таъминлансин.

9. 2022 йил учун туманнинг туман бюджети шахсий ғазна ҳисоб-варақларида турган бюджет маблағларининг йўл қўйиладиган энг кам миқдори 6-иловага мувофиқ белгилансин.

10. Туманнинг туман бюджетининг қўшимча манбаларидан фойдаланиш тўғрисидаги қарорлари тегишли равишда халқ депутатлари туман Кенгаши томонидан туман ҳокимининг таклифларига асосан биринчи навбатда ижтимоий соҳа муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга йўналтириш мақсадида қабул қилинади.

Туман ҳокимлиги туман бюджети қўшимча манбаларининг камида 30 фоизини жамоатчилик фикри асосида шакллантириладиган тадбирларни молиялаштиришга йўналтиради.

Туман ҳокимлиги фавқулодда вазиятларда ва шунга ўхшаш кечиктириб бўлмайдиган чоралар кўрилиши талаб этиладиган ҳолларда ишлатилган маблағлар тўғрисида халқ депутатлари туман Кенгашига ҳисобот бериш шарти билан қўшимча манбаларни йўналтириш бўйича қарорларни қабул қилади.

11. Қонуннинг 9-моддасига мувофиқ:

Туман ҳокимлиги чораклар якуни бўйича Қонуннинг 6-иловасида келтирилган даромадларнинг прогноз кўрсаткичлари ҳокимликнинг фаолиятига боғлиқ бўлмаган ҳолда 3 фоиздан ортиқ миқдорга бажарилмаса ва молия йили охиригача ушбу маблағларнинг тушиш эҳтимоли бўлмаса, Вазирлар Маҳкамасига харажатларни мақбуллаштириш юзасидан кўрилган чоралар билан биргаликда тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорини ошириш юзасидан;

туман ҳокимлиги чораклар якуни бўйича мазкур қарорнинг 5-иловасида келтирилган даромадларнинг прогноз кўрсаткичлари туман ҳокимлигининг фаолиятига боғлиқ бўлмаган ҳолда 3 фоиздан ортиқ миқдорга бажарилмаса ва молия йили охиригача ушбу маблағларнинг тушиш эҳтимоли бўлмаса, вилоят ҳокимлигига харажатларни мақбуллаштириш юзасидан кўрилган чоралар билан биргаликда тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорини ошириш юзасидан мурожаат қилиши тўғрисидаги белгиланган тартибга амал қилсинлар.

12. Туман ҳокимлиги ташаббуси билан амалга ошириладиган тадбирлар учун талаб этиладиган маблағлар тегишлилиги бўйича ушбу маҳаллий бюджетларнинг ижроси давомида шаклланган қўшимча манба ҳисобидан амалга оширилиши қатъий белгилаб қўйилсин.

13. Туман ҳокимлиги:

тегишли бюджетларни биринчи навбатда иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, озиқ-овқат ва дори-дармон ва коммунал хизматлар харажатларининг режалаштирилишини назарда тутган ҳолда шакллантирсин;

қўшимча манбалари ҳисобидан харид қилинган товарлар ва хизматлар, қуриш, реконструкция ва таъмирлаш ишлари олиб борилаётган объектлар рўйхати, шунингдек қурилиш-таъмирлаш ишларининг молиялаштирилиши тўғрисидаги маълумотларни тегишли равишда мажбурий тартибда ўз расмий веб-сайтларида жойлаштириб борсин;

туман маҳаллий бюджетининг қўшимча даромадларини 30 фоизидан кам бўлмаган миқдорларда жамоатчилик фикри асосида шакллантириладиган тадбирларни молиялаштиришга йўналтиришни,
веб-сайтларида уларнинг натижаларини жойлаштириб борилишини таъминласин.

14. Туман ҳокимлиги Қонуннинг 14-моддасига асосан Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳри маҳаллий бюджетларининг, туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг қўшимча манбалари ҳисобидан харид қилинган товарлар ва хизматлар, қурилиш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишлари олиб борилаётган объектлар рўйхати, шунингдек қурилиш-таъмирлаш ишларининг молиялаштирилиши тўғрисидаги маълумотлар ҳар чорак якунларига кўра, кейинги чорак биринчи

ойининг 10 санасига қадар тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари томонидан мажбурий тартибда ўз расмий веб-сайтларига жойлаштирилади.

15. Туман ҳокимлиги бюджет даромадлари ва харажатларининг кўрсаткичларини бажарилишини таъминлаш, солиқ базасини кенгайтириш ҳамда иқтисодий салоҳиятини ошириш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўриш, бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиши устидан қатъий назорат ўрнатиш учун тегишлилиги бўйича халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига маълумот киритиб борилсин.

16. Туман ҳокимлиги Қонунда белгиланган айрим солиқлар ва тўлов ставкалари, солиқ солиш тартиблари ҳамда бошқа маълумотларни оммавий ахборот воситаларида ёритилишини таъминласин.

17. Мазкур қарор “Тамды шаруагери” газетасида расмий эълон қилинсин ҳамда туман ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.

18. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

19. Мазкур қарор бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари (С.Саденов) ва халқ депутатлари туман Кенгашининг Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва уни ижро этиш, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ҳамда тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси (Л.Баянасов) зиммасига юклатилсин.

Кенгаш раиси **К.Т.Алдабергенов**

Халқ депутатлари Томди туман
Кенгашининг
2021 йил 30 декабрдаги
VI-32-81-5-75-K/21-сон қарорига
1-илова

Томди тумани маҳаллий бюджетининг даромадларининг 2022 йилдаги асосий прогноз кўрсаткичлари

Т/Р	Даромад турлари	Жами
	ЖАМИ	**26 791 600,0**
1	Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи	
2	Ягона солиқ тўловидан Давлат бюджетига ажратмалар	
3	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	955 600,0
4	Қўшилган қиймат солиғи	
5	Акциз солиғи, жами	
	шу жумладан:	
	- бензин, дизел ёқилғиси ва газ реализациясидан солиқ	
6	Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	
7	Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	353 000,0
8	Юридик шахслар ер солиғи	
9	Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи	168 000,0
10	Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ (норуда материаллари)	3 029 000,0
11	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	19 813 000,0
12	Давлат божи	
13	Жарималар	
14	Ижара тўлови	
15	Давлат ташкилотларининг соф фойдасидан даромад	
16	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи (ИТД)	
17	Йиғимлар	
	Тақсимланувчи даромадлар	**2 473 000,0**
	шу жумладан:	
1	Алкогол,мобил алоқа ва тамакига акциз солиғи	**2 473 000,0**

Халқ депутатлари Томди туман
Кенгашининг
2021 йил 30 декабрдаги
VI-32-81-5-75-K/21-сон қарорига
2-илова

Томди туманининг 2022 йил ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган харажатларнинг умумий чекланган миқдорлари

№	Кўрсаткичлар номи	Томди туман
	Харажатлар - жами	41 596 951,0
1.	Ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга харажатлар - жами	26 030 907,0
	шу жумладан:	
1.1	Маориф	6 657 403,0
	- мактабгача таълим	1 528 649,0
	- умумий таълим	5 128 754,0
	- кадрлар тайёрлаш	
1.2	Соғлиқни сақлаш жами	14 565 025,0
	соғлиқни сақлаш	14 565 025,0
	тиббий-ижтимоий хизматлар учун харажатлар	
1.3	Маданият ва спорт, оммавий ахборот воситалари	3 498 621,0
	- маданият ва оммавий ахборот воситалари	1 366 371,0
	- спорт	2 132 250,0
1.4	Фан	
1.5	Болали оилаларга ва кам таъминланган оилаларга нафақалар ва компенсациялар	1 264 094,0
1.6	Ижтимоий кўникма марказлари	45 764,0
2.	Иқтисодиётга харажатлар	6 486 828,0
	шу жумладан:	
2.1	Фермерлар хўжаликлари бухгалтерия марказлари	
2.2	Ўсимликлар карантини инспекциялари харажатлари	
2.3	Ободонлаштириш	5 498 881,0
2.4	Ветеринария қўмитаси	878 003,0
2.5	Маҳаллий бюджетларда ҳоким ёрдамчиларининг тавсиялари асосида маҳалла инфратузилмасини яхшилаш учун	109 944,0
3.	Марказлаштирилган инвестицияларни молиялаштиришга харажатлар	0,0
4.	Давлат бошқарув органларини сақлаш	5 290 403,0
	шу жумладан:	
4.1	Давлат бошқарув идоралари	5 290 403,0
5.	Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини сақлаш	1 434 269,0
6.	Заҳира жамғармаси	392 424,0
7.	Фуқаролар ташаббуси жамғармаси	1 962 120,0
8.	Бошқа харажатлар	0,0

Халқ депутатлари Томди туман
Кенгашининг
2021 йил 30 декабрдаги
VI-32-81-5-75-K/21-сон қарорига
3-илова

Томди туман бюджетига умумдавлат солиқларидан ажратмалар меъёрлари

Фоизда

Т/Р	Шаҳар ва туманлар номи	Фойда солиғи	Айлан-мадан солиқ	Жисмоний шахс-лардан олинадиган даромад солиғи	Сув ресурс-ларидан фойдалан-ганлик учун солиқ	Қурилиш материал-лари бўйича ер қаъридан фойдалан-ганлик учун солиқ	Ижара тўловлари
1.	Томди тумани	0	100	10	50	100	100

Халқ депутатлари Томди туман
Кенгашининг
2021 йил 30 декабрдаги
VI-32-81-5-75-K/21-сон қарорига
4-илова

2022 йил учун туманнинг бюджет даромадларива харажатлари прогнозлари

Минг сўмда

Ҳудудномн	Даромад	Харажат
ЖАМИ	**26 791 600,0**	**41 596 951,0**
Томди тумани	**26 791 600,0**	**41 596 951,0**

Халқ депутатлари Томди туман
Кенгашининг
2021 йил 30 декабрдаги
VI-32-81-5-75-K/21-сон қарорига
5-илова

Вилоят бюджетидан туман маҳаллий бюджетига 2022 йилда ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорлари

Минг сўмда

Шаҳар ва туманлар	**Тартибгасолувчи трансферт миқдори**
ЖАМИ	**14 805 351,0**
шундан	
Томди тумани	14 805 351,0

Халқ депутатлари Томди туман
Кенгашининг
2021 йил 30 декабрдаги
VI-32-81-5-75-K/21-сон қарорига
6-илова

Туман маҳаллий бюджетининг шахсий ғазна ҳисобварақларида турган бюджет маблағларининг йўл қўйиладиган энг кам миқдори

Минг сўмда

Т/р	**Ҳудудноми**	**Миқдори**
	ЖАМИ	**215 840,0**
	шундан	
1.	Томди тумани	215 840,0